

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Бўрибоев Эркинжон Норбой ўғли –
Гулистон давлат университети,
1-босқич таянч докторанти
Абдувохидов Акмал Абдулазизович –
Гулистон давлат университети, катта ўқитувчи**

Аннотация: Мазкур мақолада иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг самарадорлигини оширишда пул-кредит сиёсатининг ўрни ва уни такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: пул-кредит сиёсати; иқтисодий тараққиётнинг инновацион ташкил этувчилари; миллий валютанинг барқарорлиги; иқтисодий ўсиш; инвестицияларнинг ички манбалари; банк сектори; иқтисодий регулятор; пул-кредит сиёсати инструментлари.

Аннотация: В данной статье анализируются роль и задачи денежно-кредитной политики в повышении эффективности проводимых широкомасштабных реформ в стране на современном этапе экономического развития.

Ключевые слова: денежно-кредитная политика; инновационные составляющие экономического развития; стабильность национальной валюты; экономический рост; внутренние источники инвестиций; банковский сектор; экономический регулятор; инструменты денежно-кредитной политики.

Annotation: This article analyzes the role and tasks of monetary policy in improving the effectiveness of ongoing large-scale reforms in the country at the present stage of economic development.

Key words: monetary policy; innovative components of economic development; stability of the national currency; economic growth; domestic sources of investment; banking sector; economic regulator; monetary policy instruments.

Иқтисодиётда рақобат муҳитини ривожлантириш, меҳнат унумдорлиги ва энергия истеъмоли самарадорлигини ошириб бориш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, бизнесни ташкил этиш ва юритишни енгиллаштиришга қаратилган давомли таркибий ислохотлар узоқ муддатли иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий омиллар бўлиб ҳисобланади. 2019 йил якунлари бўйича дастлабки баҳоларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти 5,5%га ўсиб (2018 йилда 5,1%), 524,0 трлн. сўмни (58,3 млрд. долларни) ташкил этиши кутилмоқда.

2019 йилда инфляция даражаси 15,5% атрофида бўлиши кутилмоқда (2018 йилда 14,3%). Шунингдек, инфляцияни жиловлаш мақсадида 2020 йилдан бошлаб кредитлар ҳажмининг ЯИМнинг номинал ўсишидан кўп бўлмаган миқдорда ўсишини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни доирасида Ҳукумат номидан ва унинг кафолати остида имзоладиган ташқи қарз битимларини 4 млрд. АҚШ доллари қийматида чеклаш назарда тутилган [7].

Жорий макроиқтисодий ҳолат, жумладан, инфляциянинг амалдаги динамикаси ва прогноз кўрсаткичлари, шунингдек, барқарор ва мувозанатли иқтисодий ўсишни таъминлаш зарурияти Марказий банк томонидан нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича аниқ ва янада таъсирчан чоралар кўришни тақозо этмоқда. Марказий банк томонидан асосий эътибор таркибий ислохотларнинг янги босқичига ўтиш даврида инфляцион таргетлаш режимини фаол тадбиқ этиш орқали пул-кредит сиёсати шароитларини белгилашга қаратилмоқда.

Келгуси йилларда инфляциянинг доимий ва оралиқ таргетига эришишга қаратилган устувор вазифаларни белгилаб олиш учун асосий йўналишларни ишлаб чиқишда иқтисодий ривожланишнинг жорий динамикасини сақланиб қолиниши, таркибий ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши ва жаҳон иқтисодиёти ўсиш суръатларининг бироз секинлаши каби омилларга асосланолмоқда. Иқтисодий ривожланишнинг асосий сценарийсига кўра 2020 йилда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмининг реал ўсиши 5,2-5,5%ни ташкил этиши, 2021-2022 йилларда 5,5-5,8%ча тезлашиши прогноз қилинмоқда [7].

Бугунги кунда мамлакатимизда шакланган макроиқтисодий ҳолат ҳамда амалга оширилаётган таркибий ислохотлар, жумладан, тартибга солинадиган нархларнинг эркинлаштирилиши ва солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар таъсирида инфляциянинг ҳозирги икки хонали сон даражасида сақланиб қолиш ҳавфи ошиб бораётган шароитда инфляцияни жиловлаш бўйича янада қатъий чораларни қабул қилишнинг зарурияти ва кечиктириб бўлмаслиги инфляцион таргетлашга ўтиш жараёнини жадаллаштиришга туртки бўлади.

Нисбатан қулай иқтисодий конъюнктура шароитида давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим таркибий қисми сифатида пул-кредит сиёсатининг ўрни ва аҳамияти тобора ўсиб бормоқда. Чуқур ва пухта ўйланган пул-кредит сиёсатини амалга ошириш иқтисодиёт субъектлари ва банк секторининг самарали таъсирлашуви борасида қулай шарт-шароитлар яратилишини таъмин этади, мамлакат ҳукумати олдида турган ижтимоий-иқтисодий масалаларни самарали ҳал этишга кўмаклашади. Миллий иқтисодиёт тараққиётининг ҳозирги босқичи нафақат иқтисодий балки ижтимоий масалаларни ҳал этишга қаратилган давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан ўзаро уйғунлашган пул-кредит сиёсатини сифат жиҳатдан қайта кўриб чиқишни талаб этади. Бугунги кунда мамлакат ҳукумати ва илмий ҳамжамият олдида турган энг асосий вазифа – бу узоқ муддатли истиқболда пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг янги механизmlарини ишлаб чиқиш ва устуворликларини белгилаб олишдан иборатдир.

Хусусан, Жаҳон банкнинг ҳисоботида кўра: “Ўзбекистонда 2018 йилда аҳоли жон бошига ЯИМ 1532 АҚШ долларини ташкил этгани ҳолда, мамлакатнинг 2030 йилга келиб саноати ривожланган юқори ўртача даромадли мамлакатга айланиши учун аҳоли жон бошига даромадни камида икки баравар ошириш керак. Асосий капитални янгилаш ва инновацион технологияларни иқтисодиёт соҳа ва тармоқларига изчил жорий этиш Ўзбекистонни яқин истиқболда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш, унумдорликни ошириш ва иш ўринларини кўпайтиришнинг асосий канал бўлиши керак. Ушбу ёндашув Ўзбекистонга яқин истиқболда меҳнат унумдорлиги ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи

ЯИМ бўйича ўртача даромадли мамлакатлар даражасига етиб олишига ёрдам беради” [6].

Пул-кредит сиёсатининг иқтисодиётга таъсир кўрсатиш усул ва воситаларини, бу борадаги ёндашувларни тубдан қайта кўриб чиқиш замонавий пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Марказий банк томонидан самарали пул-кредит сиёсати юритилиши натижасида иқтисодиётда инфляциянинг барқарор паст даражаси таъминланиши ва нархлардаги кескин тебранишларнинг олди олиниши, ўз навбатида, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва бизнес юритиш учун қулай муҳитни яратишга асосий пойдеворлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илғор ҳалқаро тажрибада қўлланидиган инструментлардан фойдаланган ҳолда, пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш, шунингдек, валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарурий шартларидан бири сифатида белгилаб берилди [1].

Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган мазкур вазифаларни ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга мувофиқ, валюта сиёсатини либераллаштириш соҳасида давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўзининг ҳоҳишига кўра эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини руёбга чиқаришни тўлиқ таъминлаш;

- миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда фақатгина бозор механизмларини қўллаш;

- валюта ресурсларидан фойдаланишда бозор инструментларининг ролини ошириш, валюта бозорида барча ҳўжалик юри-

тувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш, валюта сиёсатининг ноанъанавий тармоқларда экспортни ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда рағбатлантирувчи ролини ошириш;

– сифатли иш ўринлари ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бевосита рағбатлантириш учун иқтисодиётнинг барча секторларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, билим ва технологиялар жалб этишга хизмат қиладиган ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш;

– миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган қатъий монетар сиёсатни амалга ошириш, бу борада монетар инструментлардан фаол ва мослаштирилган ҳолда фойдаланиш, давлат қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш, шунингдек, очиқ бозорда операциялар ҳамда давлат қимматли қоғозларини банклар ликвидлигига гаровга бериш бўйича операцияларни амалга оширишни амалиётга жорий қилиш;

– монетар ва фискал сиёсатни мувофиқлаштириш ҳамда Давлат бюджетининг мутаносиблигини таъминлаш орқали пул массаси ҳаддан зиёд ўсишининг олдини олиш;

– банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва унинг таваккалчиликларга бардошлилигини, шу жумладан, валюта сиёсатини либераллаштиришнинг вужудга келиши мумкин бўлган салбий таъсирини юмшатишга қаратилган самарали чора-тадбирларни қўллаш ҳисобига ошириш;

– валюта сиёсатининг янги шароитларида таянч тармоқлар корхоналари самарали фаолият юритиши учун уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

– аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини турмуш даражасига валюта сиёсатини либераллаштиришнинг салбий оқибатларини камайтириш имконини берадиган ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш [4].

Мамлакатда ички нархлар барқарор бўлган шароитда аҳоли ва бизнес вакиллари учун иш ҳақи, нафақа ва бошқа даромадлар, шунингдек, миллий валютадаги жамғармаларнинг қадрини сақлаб қолиш имконияти мавжуд бўлади. Бу эса уларнинг қисқа ва

узоқ муддатли даврлар учун харажатларни режалаштиришда ишонч ҳиссини уйғотади.

Юқори инфляция даражаси аҳоли даромадларининг қадрсизланишига ҳамда жамиятда ижтимоий табақалашувнинг кучайишига олиб келади. Шу нуқтаи назардан, паст инфляция даражасини таъминлаш ижтимоий барқарорликнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Иқтисодиётда ички нархлар барқарорлигининг таъминланиши тадбиркорлик фаолияти учун ҳам қулай шароит ҳисобланади. Инфляция даражаси паст бўлган ҳолда корхоналарнинг қарз олиш имкониятлари кенгаяди. Юқори ва ўзгарувчан инфляция банкларнинг самарали фаолият олиб боришлари учун ҳам ноқулай шароитларни юзага келтиради.

Бизнинг фикримизча, пул-кредит сиёсатининг ўта қатъийлаштирилиши иқтисодиётдаги инвестицион фаолликнинг сусайишига олиб келиши мумкин. Унинг асоссиз юмшатилиб, кредитлаш ҳажмларининг кескин оширилиши эса истеъмол ва инвестицион талабни рағбатлантириш билан бир қаторда инфляция даражасининг кескин ошиб кетишига ҳам сабаб бўлади. Таъкидлаш зарурки, биргина пул-кредит сиёсатининг ўзи мамлакат иқтисодий салоҳиятини барқарор оширишнинг асосий манбаи бўла олмайди. Узоқ муддатли истиқболда иқтисодиётда рақобат муҳитини яхшилаш, меҳнат унумдорлиги ва энергия истеъмоли самарадорлигини ошириш, инфратузилмани ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг ички ва ташқи рақобатбардошлигини кучайтириш, бизнесни ташкил этиш ва юритишни энгиллаштиришга қаратилган давомли таркибий ислохотларни амалга ошириш иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий омиллар ҳисобланади. Ўз навбатида, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, валюта сиёсатини тартибга солишнинг бозор механизмларини муваффақиятли жорий этиш пул-кредит сиёсатини такомиллаштиришни тақозо этади.

Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сонли “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши муҳим ҳисобланади.

Марказий банк пул-кредит сиёсати инструментларини қўллаш орқали ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигини оши-

ришга ёки технологик ривожланишга тўғридан-тўғри таъсир қила олмайди. Бунда пул-кредит соҳасидаги чоралар асосан иқтисодий қисқа муддатли тартибга солиш, мавсумий ва даврий тебранишларни мувозанатлаштириш ҳамда ўсиш суръатларининг иқтисодий салоҳиятидан оғиб кетиши олдини олишга қаратилган бўлиб, қисқа муддатли таъсирга эга бўлади.

Юқорида келтирилган омиллар таъсирида юзага келган бугунги макроиқтисодий шароитлар қисқа давр ичида иқтисодий кредитлаш ҳажмларининг кескин ўсиши, инвестиция ҳажмлари ва истеъмол талабининг ошишини рағбатлантириб, инфляцион жараёнларнинг кучайишига олиб келганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, ялпи талабнинг ошишига мос равишда таклиф ҳажмларини ошириш мақсадида янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш маълум бир даврни талаб этади, айнан мана шу муддат давомида иқтисодиётда инфляцион босимнинг кучайиши кузатилади.

Бунда маҳаллий ишлаб чиқарилган товарлар таклифи етарли эмаслиги шароитида (иш ҳақи ўсиши ва кредитлашнинг кенгайиши ҳисобига) ички талабнинг ошиши нархларнинг ўсишига сабаб бўлади. Шунингдек, маҳаллий товарлар миқдорининг ички бозорда етарли эмаслиги импорт товарларига бўлган ва бу орқали валюта бозоридаги талабни ошириб, миллий валюта курсининг қадрсизланишига ва пировардида инфляция кучайишига олиб келади.

Ўз навбатида, инфляциянинг ўсиш суръатлари тезлашиши аҳоли ва бизнес вакиллари даромадларининг реал қийматини пасайтиради, даромадларнинг кўпроқ истеъмолга йўналтирилишига сабаб бўлади, шунингдек, иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун олдиндан аниқлаш қийин бўлган вазиятларни юзага келтиради.

Шунингдек, иқтисодиётда нархларнинг муттасил ошиб бориши шароитида омонатчилар ўз маблағларини паст фоиз ставкаларида банк депозитларига жойлаштиришни маъқул кўрмайдилар ва банклар депозит фоиз ставкаларини кўтаришга мажбур бўлади. Натижада банк мажбуриятлари қиймати активлари даромадлигига қараганда тезроқ суръатларда ўсади.

Жалб қилинган депозитлар бўйича харажатлар ошишини қоплаш мақсадида

банклар ҳам мос равишда бизнес хатарларни камайтириш учун кредитларни юқори фоиз ставкаларда ҳамда қисқа муддатларга ажратишни афзал кўради. Бу эса иқтисодиётда инвестицияларни молиялаштириш имкониятларини чеклайди ва иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, бугунги кунда мамлакатимизда узоқ муддатли ресурслар бозорининг ривожланмаганлиги сабабли инвестицияларни молиялаштириш имкониятларини янада чеклаб қўйиши мумкин.

Паст ва барқарор инфляция эса фоиз ставкалари шаклланишида инфляция учун тўловларни камайтиради ҳамда кредиторлар томонидан узоқ муддатли кредитлар таклифини оширишга имкон яратади. Бунда нафақат тижорат банклари, балки маҳаллий ва хорижий инвесторлар ҳам узоқ муддатли молиявий ресурсларни паст инфляция даражасига эга бўлган иқтисодиётларга йўналтиришни афзал кўради. Умуман олганда, юқоридаги омилларнинг барчаси миллий иқтисодиётимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш моделини яратишни, макроиқтисодий сиёсатнинг самарали мувофиқлаштирилишини, пул-кредит сиёсатини юритишда эҳтиёткорона ёндашувни тақозо этади[7]. Пул-кредит сиёсатини тор ва кенг маънода тушуниш лозим. Кенг маънода пул-кредит сиёсати паст инфляция даражасида иқтисодиётни арзон кредит ресурслари билан таъминлаш орқали ишсизлик ва қашшоқликка қарши курашиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Тор маънода эса пул-кредит сиёсати мамлакатда нархлар даражаси ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашни кўзда тутди.

Пул-кредит сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг бошқа йўналишлари билан ўзаро яқин алоқада бўлгани ҳолда, яққол ижтимоий-иқтисодий йўналтирилганлиги билан ажралиб туриши лозим. Пул-кредит сиёсатининг асосини мос равишда аҳоли турмуш фаровонлиги ва иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш, банк секторининг иқтисодиёт тузилмасига ижобий таъсир доирасини кенгайтириш ва банк секторини ривожлантириш мақсадида мамлакат пул-кредит тизимининг барқарор ва мувозанатлашган ҳолда фаолият кўрсатишини таъминлаш борасида давлатнинг ваколатли

органи (Марказий банк)нинг стратегияси ва тактикасидан ташкил топади. Бу борада пул-кредит сиёсатини икки жиҳатдан қараб чиқишни тавсия қиламиз:

1) пул-кредит соҳаси амалда бўлиш қонуниятларини тушунтиришга йўналтирилган илмий билимлар концепцияси ва услубиёти;

2) пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг асосий мақсад ва вазифалари, ёндашув, усул ва воситалари баён қилинган дастурий ҳужжат.

Пул-кредит сиёсати мақсадларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улардан фойдаланишнинг универсал усули йўқ. Улар турли мамлакатларда молиявий бозорларнинг имкониятлари ва ривожланиш даражаларига қараб фарқланади. Ҳар қандай мамлакат учун мақбул мақсадлар ва уларнинг тузилиши вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин. Мақсадни танлашда: Марказий банк иккита даражадаги танловни амалга ошириши керак. Биринчидан, пул-кредит соҳаси ҳолатини тавсифловчи, пул-кредит органлари учун мақбул бўлган пул-кредит сиёсатининг асосий мақсадини танлаш лозим бўлади. Баъзи мамлакатларда бундай пировард мақсад паст ва барқарор инфляция (масалан, Евро ҳудуди) бўлса, бошқаларида инфляция, ишсизлик ва иқтисодий ўсиш (масалан, АҚШ) каби макроиқтисодий кўрсаткичларнинг комбинацияси яқуний мақсад ҳисобланади. Иккинчидан, оралиқ (хусусий) мақсадларни алоҳида ажратиб олиш муҳим, улар моҳиятига кўра яқуний мақсадларга эришишга имкон берадиган баъзи муҳим қадамлардир. Оралиқ мақсадлар қаторига пул массасининг ўсиш суръатлари, валюта курсининг ўзгариши даражаси кабиларни киритишимиз мумкин.

Самарали пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг дунё мамлакатлари ва маҳаллий тажрибани ўрганиш асосида марказий банкнинг пул-кредит соҳасидаги замонавий сиёсати самарадорлигини белгиловчи омилларни аниқланди. Бундай омиллар сирасига қуйидагиларни киритамиз: ички ва ташқи иқтисодий шароитлар; мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати; иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар; давлат секторининг ҳолати; маълумотларнинг ноаниқлиги; молия бозорининг ривожланиш даражаси ва эркинлаштириш даражаси; глобаллашув жараёнлари. Пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг самарадорлиги комплекс иж-

тимоий-иқтисодий давлат сиёсати, жумладан, бюджет, солиқ, таркибий, божхона-тариф ва бошқа сиёсатларни амалга ошириш чора-тадбирларига боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Пул-кредит сиёсатини амалга оширишда Марказий банк барқарор иқтисодий ўсиш учун зарурий шарт-шароитларни таъмин этиш ва инфляцияни пасайтириш чораларини кўриши лозим. Бунда пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг пировард ва оралиқ мақсадларининг мақбул нисбатларига эришиш, Марказий банкнинг пул-кредит тизимини тартибга солиш борасидаги ҳатти-ҳаракатларининг ижтимоий оқибатларини ҳисобга олиш муҳим деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли ҳам мамлакат миллий хўжалигида таркиб топган ижтимоий-иқтисодий вазиятни доимо таҳлил қилиб бориши ва таҳлиллар асосида турли башоратлар ишлаб чиқиши Марказий банкнинг бугунги кундаги муҳим вазифаларидан бири саналади. Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларнинг амалий ижросини таъминлашга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётган бир шароитда пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг асосий мақсадлари ва воситаларини танлашда асосий эътиборни инфляция, ишсизлик, иқтисодий ўсиш, аҳоли турмуш фаровонлиги даражасини белгилаб берувчи муҳим макро-иқтисодий кўрсаткич-сўмнинг қадрини мақбул даражада ушлаб туришга қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу билан бир қаторда банк тизимини бир пайтнинг ўзида рақобатбардошлик даражаси паст бўлган кредит ташкилотларидан тозалаш асносида молиявий барқарор банкларнинг пасив базасини сақлаб қолишга интилишимиз лозим бўлади. Бунда давлат улуши юқори бўлган банкларни босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш талаб этилади. Бугунги кунда инфляция суръатларини пасайтириш билан бир қаторда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъмин этиш пул-кредит сиёсатини амалга оширишда муҳим устувор вазифага айланмоғи лозим.

Бу борада пул-кредит сиёсатини амалга ошириш концепциясини ишлаб чиқишни таклиф этамиз (1-расм). Бизнинг фикримизча, мазкур концепцияни ишлаб чиқишда мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислохотлардан келиб чиққан ҳолда, пул-кредит сиёсатини амалга оширишда

фақатгина бозор инструментларидан фойдаланиш, марказий банк ва бошқа давлат идораларининг мазкур жараёнларга маъмурий аралашувини чеклаш лозим бўлади[3].

Ишлаб чиқиши таклиф этилаётган концепция доирасида пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг қуйидаги умумий тамойилларига риоя этиш талаб этилади:

1) синергетик услубидан фойдаланиш, яъни пул-кредит сиёсатини амалга оширишда синергетик менежмент (мақсад, эҳтиёткорлик, босқичма-босқичлилик, мотивация ва коммуникатив алоқалар)ни ҳисобга олиш;

2) пул массасининг берилган кўрсаткичлари доирасида пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини кўзда тутувчи тежамкорлик;

3) пул-кредит тизимининг ривожланиши борасида юз бериши мумкин бўлган хатарларни ҳисобга олган ҳолда пул-кредит сиёсатининг муқобил вариантларини ишлаб чиқишга қаратилган сценарийли ёндашув;

4) пул-кредит сиёсатининг миллий

валютада инвестицияларнинг кўпайишига қулай шарт-шароитлар яратиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодий ўсишнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга йўналтирилганлигини кўзда тутувчи стратегияси;

5) пул-кредит сиёсати ва бюджет-солиқ сиёсатининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш;

6) пул-кредит тизимининг бошқа иштирокчилари билан коммуникатив алоқаларни йўлга қўйиш;

7) пул-кредит сиёсати самарадорлигини оширишда монетар регуляторнинг масъулиятини ошириш.

Хулоса қилиб айтганда, пул-кредит сиёсатини амалга оширишда асосий эътибор пул-кредит тизимининг барқарорлигини таъминлаш асносида миллий валютада инвестиция маблағларининг кўпайишига ва пировардида эса, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг ортисига хизмат қилиши лозим.

Манба ва адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон фармонида 1-илова "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси". - <http://lex.uz>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. www.uza.uz

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5185 сонли 08.09. 2017 йилдаги Фармони. <http://lex.uz/docs/3331174>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли Фармони.www.lex.uz

5. Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-3272 от 13 сентября 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию денежно-кредитной политики». www.lex.uz.

6. Growth and Job Creation in Uzbekistan: An In-depth Diagnostic / Macroeconomics, Trade and Investment Global Practice Europe and Central Asia Region/ Document of the World Bank / December 28, 2018

7. Монетар сиёсатнинг 2020 йил ва 2021-2022 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. 2019 йил